**2011 йил 3 февраль, пайшанба**

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 24 (11.835) Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Навоий шаҳрида нон маҳсулотлари тайёрланадиган яна бир кичик корхона ўз фаолиятини бошлади. «Суғдиёна-нон» масъулияти чекланган жамияти ҳар куни ўртача 5,5-6 тонна унни қайта ишлаб, 16 турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Асбоб-ускуна ва илғор технология хориждан келтирилган.**

● **Сайхунобод туманидаги «Жамшид эҳсон сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдували Жўраев банкдан олган 20 миллион сўмлик кредити эвазига шлакоблок ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Эндиликда корхонада замонавий технологиялар ёрдамида йилига 40 минг донагача сифатли деворбоп материаллар тайёрланади.**

● **Самарқанд шаҳридаги «Ор Голден Ойл» масъулияти чекланган жамиятида техник чигитни қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилди. Бунинг учун 520 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига хориждан замонавий технологик жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозир 50 та қўшимча иш ўрни яратилган корхонада йилига 365 минг тонна чигитни қайта ишлаш имконияти юзага келди.**

● **Шаҳрихон туманида янги буюм бозори қурилишига киришилди. Умумий майдони 3,5 гектарни ташкил этган бозорда 150 та икки қаватли турғун савдо дўкони, 450 та енгил типдаги савдо ўрин жойлари миллий ва замонавий меъморчилик андозалари асосида бунёд этилади.**

● **Қўшкўпир туманининг Ўзбекёп қишлоғида ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Амирқум» хусусий корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Бу мақсад учун тадбиркор Умид Отабоев банк кредити ва ўз жамғармасидан 60 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлаб, қишлоқ ёшларидан 18 нафарини ишга жалб қилди. Натижада бу ерда йилига 2 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш ва пировардида тумандаги қурилиш ташкилотлари ҳамда якка тартибдаги уй-жой қурувчиларни сифатли деворбоп материаллар билан таъминлаш имконияти юзага келди.**

### ЖАҲОНДА

● **Ирландияда муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказилиши маълум қилинди. Айнан шу мазмундаги ҳужжатга мамлакат президенти ҳамда бош вазири имзо чеккан. Унга кўра, жорий йилнинг 25 февраль куни сайлов бўлиб ўтади. Ирландия жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан катта зарар кўрган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Унинг молия тизимини барқарорлаштириш учун ўтган йили Европа Иттифоқи ва халқаро валюта жамғармаси томонидан ажратилган 85 миллиард евро миқдоридаги кўмак ҳам кутилган самарани бермаган.**

● **Хитойнинг жанубий-ғарбий ҳудудида 4,8 балли зилзила содир бўлди. Бу ҳақда «Синьхуа» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Табиий офат мамлакатнинг Юньнань музофотида жиддий талафотларни келтириб чиқарган. Бу ерда саксон минг нафардан ортиқ одам тан жароҳати олган. Уч мингдан кўпроқ бинога зарар етган. Қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ.**

● **Ҳиндистонда темир йўл билан боғлиқ кўнгилсиз воқеа юз берди, дея хабар тарқатди маҳаллий «NDTV» телеканали. Гап шундаки, йўловчилар билан тўла поезднинг ҳатто томига ҳам одамлар чиқиб олишган эди. У мамлакатнинг Уттар-Прадеш штатидаги ер ости йўлидан ўтаётганда йўл торлик қилган. Кутилмаган ҳолатдан саросимага тушиб қолган томдаги йўловчилар ўзларини пастга ташлашга мажбур бўлишган. Улгура олмай қолганлар эса ҳалок бўлган. Жами 14 киши қурбон бўлгани, яна шунча одам тан жароҳати олгани айтилмоқда. Жабрланганлардан олти нафарининг аҳволи оғир.**

● **Буюк Британиянинг «BP» нефть ва газ компанияси 2010 йилни 4,914 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги зарар билан якунлаганини билдирди. 2009 йилда у 14 миллиард АҚШ доллари миқдорида соф фойда кўрганди. Маълумки, ўтган йилнинг бошида Мексика кўрфазидаги «BP»га қарашли нефть қазиб олувчи «Deepwater Horizon» платформасида фалокат содир бўлганди. Оқибатда минглаб тонна «қора олтин» сувга қўшилиб кетди. Кўнгилсизлик келтириб чиқарган талафотларни бартараф этиш учун 40,9 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ талаб қилиниши билдирилганди. Айнан шу омил компания фаолиятининг орқага кетишига сабаб бўлди. «BP» 1992 йилдан бери фақат фойда кўриб келаётганди.**

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

## 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

## МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

**Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозимки, албатта бу мазкур соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, имкониятлар яратиш, имтиёзлар бериш самарасидир.**



Шу боис ҳам айни пайтда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 50 фоиздан зиёди кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Кичик корхоналарнинг ўзига хос хусусияти хусусида тўхталиш жоиз бўлса, унинг харидор талабига мослашувчанлиги, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга тезлик билан жорий эта олишидир.

Бугунги кунда тўқимачилик ва тикувчилик соҳасида тадбиркорликка қўл урган ишбилармонларимиз маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда рақобатбардош кийим-кечаклар билан ички бозорни таъминламоқда, четдан кириб келувчи ана шундай товарлар миқдорини камайтириб, иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшмоқда.

Бундан бир неча йил олдин тикувчилик цехи ташкил этиб, — дейди «Lilya Luks» масъулияти чекланган жамияти директори Урал Валишин, — оддий тикув машиналаридан фойдаланган ҳолда турли буюртмаларни бажардик. Энг асосийси чеварларимиз малакаси ишга солингани боис ҳам тикилаётган маҳсулот сифати таъминланди. Натижада буюртмачи мижозларимиз кўпайиб, фойда кўришга эришдик. Унинг ҳисобидан эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришга муваффақ бўлдик.

Айни пайтда барча қулайликларга эга бўлган ва замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган корхонада 10 нафар тажрибали мутахассис ранг-баранг тикув маҳсулотлари тайёрлашмоқда. Дизайнер-модельерлар буюртмачи талабидан келиб чиққан ҳолда уларга мос моделлар яратишади. Маҳсулотларни тайёрлашда маҳаллий ҳамда Россиядан келтирилган хом ашёдан фойдаланилмоқда. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонада 20 нафар касаначи иш ўринлари ҳам яратилган бўлиб, буюртмалар кўпайиб кетганда уларни тез ва сифатли уддалашда уй шароитида ишлаётган касаначилар яқиндан кўмак беришади. Харажатларни камайтириш, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик, хом ашёдан тежамкорлик билан фойдаланиш натижасида маҳсулот таннархининг арзонлашуви буюртмачиларни жалб этишда аҳамиятга эга бўляпти.

Сифатнинг назоратда эканлиги, қисқа фурсатларда талабнинг бажарилиши туфайли ҳам корхона ўз буюртмачиларини мамнун этмоқда. Айниқса, Республика Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамияти, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Ўздунробита» хорижий корхоналари доимий мижозлар сирасига киради.

Жорий йилда тадбиркор жамоа аҳли ўз маблағлари ҳисобидан модернизация ишларини олиб боришни, 30 фоиздан зиёд жиҳозларни янгилашни режалаштирган. Шунингдек, ёшларни ишга жалб этиб, ўз сафларига қўшишни ҳам кўзда тутишмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**Алексей Попов олган сурат**

**Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг таркибий қисми бўлиб, одамлар ҳаётини қутқариб қолишга ҳамда соғлиғини сақлашга, атроф-муҳитга етказилган зарарни ва моддий талафотларни камайтиришга қаратилган.**

## ИНСОН ҲАЁТИ ВА САЛОМАТЛИГИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан 2011 йил 2 февраль куни Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокимлигида «Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари» мавзуида ташкил этилган семинарда шу ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Семинар иштирокчилари қайд этиб ўтганларидек, шахснинг, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун давлат ҳокимияти органлари, корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаро ҳимояси соҳасидаги фаолиятини тартибга соладиган, инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлиғининг устуворлиги тамойилини қарор топтирадиган қонунчилик базаси амал қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йиллар мобайнида аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан яратилган фавқулодда вазиятларда огоҳлантириш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг (ФВДТ) кучлари ҳамда воситалари томонидан амалга оширилаётир.

ФВДТ функционал ва ҳудудий кичик тизимларининг аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ишлари «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги, «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорларига мувофиқ олиб борилмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҒОЛИБЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Пойтахтимизда «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси, Микромолиявий ташкилотлар ва кредит уюшмалари миллий ассоциацияси, «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Инновацион бизнес-ғояларни амалга оширишга кўмаклашиш орқали аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий мавқеини янада юксалтириш» лойиҳаси ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Юртимизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг касб, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини янада юксалтириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш, касаначиликни ривожлантириш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

«Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси, «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида бу борада амалга оширилаётган турли лойиҳалар ва грант дастурлари тадбиркор аёллар учун ўз бизнесини йўлга қўйишида кенг имкониятлар яратмоқда.

«Инновацион бизнес-ғояларни амалга оширишга кўмаклашиш орқали аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий мавқеини янада юксалтириш» лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад – хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни янада ривожлантириш, бу борада уларга ахборот-маслаҳат, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат. Лойиҳа учун эълон қилинган танловда қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, миллий ҳунармандлик, маиший, ижтимоий, савдо хизматларини кўрсатиш, умумий овқатланиш каби йўналишлар бўйича ғоя ва ташаббуслар, бизнес-режаларнинг энг яхшилари аниқланди.

– Мазкур танловда паррандачиликни ривожлантиришга оид бизнес-режам билан ғолиб бўлганимдан хурсандман, – дейди сирдарёлик Ситора Қўшбоқова. – Бу паррандачилик хўжалиги ташкил этиш, маҳалламиздаги ўнлаб хотин-қизларни иш билан таъминлашда катта ёрдам бўлади.

Тадбирда лойиҳанинг 28 нафар ғолибига умумий миқдори қарийб 183 миллион сўмлик микрокредит олиш учун сертификатлар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Грециянинг Салоники шаҳрида ўтказилган Ислом Каримов халқаро турниридан қайтиб келди. Ўзбекистон кураш федерацияси матбуот хизмати хабарига кўра, курашчиларимиз турнирда учта олтин, иккита кумуш медалларига сазовор бўлган.

✓ **КЕЧА** Сергели саноат касб-ҳунар коллежида туман ҳокимлиги, Савдо департаменти, Савдо-саноат палатаси туман бўлимлари ва бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари иштирокида битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

✓ **БУГУН** Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театрида «Санъат сарчашмалари» деб номланган ижодий учрашув бўлиб ўтди.

